
ТУМАН ҲОКИМИ С. М. СОЛИЕВНИНГ 1 ОКТАБРЬ – “ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ” МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум азиз ўқитувчилар, устоз ва мураббийлар!

Аввало, сизларни ва сизлар орқали туманимизнинг барча ўқитувчи ҳамда мураббийларини бугунги "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугун биз мана шу қутлуғ айёмни кенг нишонлар эканмиз, сиз азизларнинг фарзандларимиз, келажак авлодларимизга билим ва тарбия беришдек ўта мураккаб, ўз касбига меҳр ва садоқат, бутун борлиғини бағишлайдиган, шарафли ва фидойиликни талаб этадиган меҳнатингиз учун сиз, муҳтарам муаллимлар олдида барчамиз таъзим қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Дарҳақиқат атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир" деган маъноли сўзлари чинакам тарбиячининг дилидан айтилган.

Азиз ва муҳтарам устозлар!

Бугун таълим-тарбия соҳасида, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Бу даврни янада чуқур маъно-мазмун билан тўлдириб, миллий юксалишга эришиш фақат ва фақат ўзимизга, шу йўлда ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимизга боғлиқ.

Биз халқимизнинг энг катта бойлигини – минглаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, мамлакатимиз истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулият билан адо этиб келаятган сизлар каби фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Дарҳақиқат, биз ёш авлодни маънан етук, тафаккур олами кенг ва билимли инсонлар этиб тарбиялаётган ўқитувчи-мураббийлар тимсолида эртанги кунимизнинг порлоқ келажакни, Ватанимиз тараққиёти учун сидқидилдан хизмат қилувчи ўғил-қизларимиз бахтини кўрамиз. Юраги ғайрат-шижоатга тўла, ёшлар тарбияси йўлидаги масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олган устозларга миннатдорчилик билдирамиз.

Қалби эзгуликларга йўғрилган азиз устозлар, меҳридарё муаллимлар!

Сизларни "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файз-у барака тилайман.

2020-10-01 12:03:41